

ҚОЗИ БАЙЗОВИЙ ЎЗ ЗАМОНАСИННИНГ ЗАБАРДАСТ АЛЛОМАЛАРИДАН БИРИ

Иzzатилла Маҳкамович Юлдашев

Тошкент Ислом институти катта ўқитувчиси

A R T I C L E I N F O.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2024 LWAB.

Қози Байзовийнинг тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Абул Қосим Умар ибн Муҳаммад ибн Абул Ҳасан Али ал-Байзовий. Абулхойр деган куняси ҳам бўлган. Носириддин деб лақаб олган эди ва Қози номи билан танилган эди.¹ Қози Байзовийнинг насаби Байзо шаҳрига боғлиқ. (Байзо араб тилидан таржима қилинганда “оқ ранг” маъносини билдиради). Бунинг сабаби Байзо шаҳрида узокдан кўриниб турадиган оқ рангдаги қалъа бўлган. Шунинг учун ҳам бу шаҳар Байзо деб номланган.²

Қози Носириддин Байзовий Шероз минтақасига қарашли Байзо ўлкасида дунёга келди. Тарихчилар асарларида Байзовийнинг қайси санада туғилганини келтиришмаган. Лекин Байзовий ҳижрий 7 аср олимларидан ҳисобланади. Қози Байзовий илмли ва баракали уйда вояга етди. Бошланғич диний билимларни отасидан олди ва кейинчалик ўз асрининг машҳур уламоларидан дарс олди. Илм ичида яшаб ундан озиқланди. Аста-секин юкори даражаларга эришиб, Куръони карим ва фиқҳ ва усуул фикҳни тўлиқ ўзлаштириди. Бундан ташқари калом илми, мантиқ, тарих, фалсафа фанларида ўта моҳир эди. Шунинг учун ҳам уламолар у хақида шундай фикр билдиришган: “Байзовий - машҳур имом, ўткир фаҳмли, солиҳ, ибодатгўй, факих,

¹Қаранг: Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Тақиоддин Субкий. Тобақотуш шафиъиятил кубро. Ж-5. – Коҳира. «Хусайния» нашриёти, 1974 й. – Б. 59

Абул Фалоҳ Абдулҳай ибнул Имад ал-ҳанбалий. Шазарот аз-захаб фи ахбари миназ заҳаб. Ж-5. – Байрут. “Мактаба” тижорий нашриёти, 1999 й – Б. 392

Ҳофиз Жалолиддин Абдурроҳман ас-Сутоитий. Бағият ал-виъа. Ж- 2. – Коҳира. “Исо ал-бобий ал-ҳалабий” нашриёти, 1965 й – Б. 50

Жамолиддин Абдурраҳим ал-Аснавий. Тобақот аш-шофиъия лил Аснавий. Ж-1. - Бағдод. “Иршод” нашриёти. х. 1390 й – Б. 283

Исмоил ибн Умар ибн Касир ал-Қураший ад-димашкий. Ал-бидая ван ниҳая. Ж-13. - Байрут. «Мактабатул маориф» нашриёти, 1977 й –Б. 309

Абдуллоҳ ибн Асьад ал-Ёғиий. Миръотул жинон ва ғойротул яқзон фи маърифати ма юътабару мин ҳавадисиз замон. Ж-4. – Коҳира. “Хусайния” нашриёти. 2001 й –Б. 220

Ҳожи Халифа. Кағофуз зунун ан асамал кутуб вал фунун. Ж-2 - Ливан. «Ваколатул маъориф» нашриёти, 1941 й. –Б. 79

Мирзо Муҳаммад Бакир Максувий Ҳаванисорий Асбаҳоний. Ровзотул жаннат фи ахвалил уламо ва садат. Ж-5. - Кум. «Муҳр истивор» нашриёти, х. 1391 й .–Б. 136

²Ёқут ибн Абдуллоҳ Ҳамавий. Муъжамул булдан. Ж-2. – Коҳира. “Саодат” нашриёти, 1906 й –Б. 335

машхур мутакаллим, муфассир, мұхаддис, адолатли қози әди”³.

Байзовый отаси билан ўша даврда форс ўлкасининг пойтахти ҳисобланган Шероз шаҳрига сафар қилди. Ўша даврда Шероз тинч ва хавғыз шаҳар бўлгани учун уламоларнинг севимли маскани әди. Зеро бу даврда ислом олами мўғил-татарларнинг ҳужумидан хавотирда әди. Шунинг учун ҳам Шерозда нуфузли уламолар йигилган, Байзовый эса илм излаб сафар қилиш ўрнига хаётининг асосий қисмини мана шу ерда ўтказган әди. Байзовый илм булоғидан ичди ва ўз маҳоратини ошириб борди, натижада кўплаб фанлардан дарс бера оладиган устоз бўлиб етиши. Бироз вақт ўтиб Байзовый Шероз қозиларинг қозиси (қозиул қузот) мансабига тайинланди. Бу мансабга эришишига “Анворут танзил ва асрорут таъвил” номли тафсир китоби сабабчи бўлди. Бу ҳақида Хавонисорий шундай дейдилар: “Байзовыйнинг мана шу китоби дунёга машҳур бўлишига, ўз даврининг сultonига яқин бўлишига, қозилик мансабига тайинланишига сабаб бўлди. Бир куни Байзовый тафсир китобини сultonнинг хузурига олиб борди ва бу китоб сultonга манзур бўлди. Натижада сulton ҳазратларидан бу арзирли иш эвазига хоҳлаган лавозимни сўраши мумкинлигини айтди. Байзовый Байзо шаҳрига қози бўлишни ихтиёр қилди”⁴.

Кўп ўтмасдан ўзининг ҳақгўйлиги туфайли қозилик мансабидан кетди. Натижада мансабига қайтиш ниятида Табриз шаҳрига сафар қилди. Субкий “Тобақот аш-шофиъийя ал-кубро” китобида шундай дейдилар: “Байзовый қозилик лавозимидан кетганидан сўнг Табризга сафар қилди. Унинг шаҳарга кириб келиши фозил кишиларнинг илм мажлисига тўғри келиб қолиб ҳеч ким таниб қолмаслиги учун охирги қаторларга ўтири. Мударрис мажлисда ўтирганларга ҳеч ким жавобини билмаса керак деб нозик савол бериб унга жавоб беришларини сўради. Шу пайт Байзовый мударрисни ҳайратда қолдириб жавоб бера бошлади ва саволнинг тартибида камчилик борлигини тушунтириб берди. Мударрисни синаб кўриш учун савол бериб кўрди, мударрис эса саволга жавоб бера олмади. Бу мажлисда сultonнинг вазири ҳам бор әди. Байзовыйни мажлисдан турғазиб олдига чакириб кимлиги сўради. Байзовый ўзини таништириди ва Табриз шаҳридан келганини айтди. Вазир уни икром қилиб мукофот ажратиб берди”⁵.

Калом илмига доир “Китабут таволеъ”, “Изоҳ”, “Мисбаҳул арвоҳ” номли китобларни ёзган.⁶ Байзовый Шофеъий мазҳабида әди. Ўша пайтда Форс ўлкаси, Хуросон ва Бағдод ҳудудларида шофеъийлик мазҳаби кенг тарқалган әди. Шунинг учун ҳам Байзовый мана шу мазҳабни ихтиёр қилган. Қуръон оятларини тафсир қилаётиб бошқа мазҳаб фақиҳларининг фикрларини ҳам келтириб ўтади.

Байзовый Форс ўлкасида жойлашган Табриз шаҳрида ҳижрий 685 йилда вафот этган.⁷ Лекин тарихчилар Қози Байзовыйнинг қачон вафот этгани тўғрисида ихтилоф қилганлар. Субкий⁸ ва Аснавий⁹ 691 йилда вафот этган дейдилар. Ибн Касир¹⁰ ўзининг тарих китобида, Хованисорий¹¹

³ Абдуллоҳ Мустафо Мароғий. Ал-фатхул мубийн фи тобақотул усулийин. Ж-1. – Қоҳира. “Мұхаммад Амин” нашриёти, 1948 й –Б. 77

⁴ Мирзо Мұхаммад Бақир Мақсувий Ҳаванисорий Асбаҳоний. Ровзотул жаннат фи ахвалил уламо ва садат. Ж-5. - Кум. «Мұхр истивор» нашриёти, х. 1391 й - Б. 134

⁵ Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Тақиуддин Субкий. Тобақотуш шафиъиятил кубро. Ж-5 - Қоҳира. «Хусайния» нашриёти, 1974 й –Б. 59

⁶ Жамолиддин Абдурраҳим ал-Аснавий. Нихаятус сувал фи шарҳи минхажил вусул. Ж-1 - Қоҳира. «Салафия» нашриёти, х 1343 й –Б. 6

⁷ Мирзо Мұхаммад Бақир Мақсувий Ҳаванисорий Асбаҳоний. Ровзотул жаннат фи ахвалил уламо ва садат. Ж-5. - Кум. «Мұхр истивор» нашриёти, х. 1391 й . –Б. 134

⁸ Тожуддин Абу Наср Абдулваҳҳоб ибн Тақиуддин Субкий. Тобақотуш шафиъиятил кубро. Ж-5. - Қоҳира. «Хусайния» нашриёти, 1974 й . –Б. 59

⁹ Жамолиддин Абдурраҳим ал-Аснавий. Тобақот аш-шофиъия лил Аснавий. Ж-1. - Бағдод. “Иршод” нашриёти. х. 1390 й –Б. 273

¹⁰ Исмоил ибн Умар ибн Касир ал-Кураший ад-Димашқий. Ал-бидоя ван ниҳоя. Ж-13. – Байрут. “Мактабатул маъориф” нашриёти, 1977 й –Б. 309

ва жумхур тарихчилар Қози Байзовый 685 йилда вафот этган дейдилар. Шиҳоб ал-Хифой Анворут танзил китобига ёзган ҳошиясида шундай дейдилар: “Тарихчилар наздида Қози Байзовый жумодул-уло ойида таҳминан 719 йилда вафот этган. Бу ишончли хабардир”.¹²

Аллома Жалолиддин Суютий үзининг *الوعاة بغية* асарида у зот ҳакларида: Имом аллома, фикҳ, усул, араб тили, мантиқ илмлари билимдони, узокни кура биладиган, солих, обид, шофиъий деб таърифлайди.

Қози Байзовыйга оид асарлар

1. “Анворут танзил ва асрорут таъвил” деб номланган тафсир китоби. Унинг номи дунёning турли бурчакларига тарқалган бўлиб, кўплаб уламолар яхши қабул қилдилар ва кўплаб шарҳ ва ҳошиялар битищди. Бу асар Қози Байзовыйнинг энг нуфузли асаридир.
2. “Минҳожул вусул ила илмил усул” китоби. Ушбу асарни Қози Байзовый Тожиддин Муҳаммад ибн Ҳасан Армавийнинг “Ҳосил” китобини қисқартирган.
3. “Ал-ғоятул-кусва фи дироятил фатва”. Ушбу асар Ҳужжатул ислом Фаззолийнинг “Васийт” китобини қичқартмаси ҳисобланади. Бу китобни Розинуддин Али ибн Рузбаҳо ибн Муҳаммад ал-Хонжий шарҳлаб “Ан-ниҳая фи шарҳил ғояти” номли китоб ёзган.¹³ Шунингдек ушбу китобни Шайх Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Зоҳирий Шофеъий назмга соглан ва уни “Кифоя” деб номлаган¹⁴
4. “Товалиъул-анвор фи усулид-дин”. Аснавий шундай дейди: “Бу калом илмида муҳтасар ва дақиқ тарзда ёзилган китобдир”.¹⁵ Ҳожи Ҳалифа шундай дейди: “Бу матн китоби бўлиб, кўплаб уламолар фойдаланишган. Натижада бу китобга Абус-Сано Шамсуддин Маҳмуд ибн Абдур Роҳман Асфаҳоний фойдали шарҳ ёзиб уни “Матолиъул-анзор” деб номлади”.
5. “Ат-таҳзиб вал-ахлок”. Бу асарни Қози Байзовый тасаввуф илмига бағишилаган.
6. “Луббул албоб фи илмил иъроб”. Ибн Ҳожибининг “Кофия” асари муҳтасари. Кафуз зунун соҳиби шундай дейи: “Бу китоб кўплаб фойдаларни ўз ичига олади. Қисқа лекин қувватли лафзлар билан ёзилган.
7. “Низомут-таварих”. Бу китоб форс давлатларининг тарихини ўз ичига олади. Қози Байзовый ушбу китобни форс тилида ёзган бўлиб, Одам Атодан Байзовыйнинг асригача фаолият олиб борган форс давлатларинг тарихини келтиради.¹⁶
8. “Мисбахул-арваҳ”. Бу калом илмига оид китобдир. Бу китобнинг аввалида шундай дейилган: “Ҳар бир мавжуд нарсадан олдинги ягона бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин”. Бу китоб уч томдан иборат. Бу китобни Қози Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Фарғоний Табризий шарҳлаб китоб ёзган.
9. “Китабун фил мантиқ”¹⁷
10. “Рисалатун фи мавзуъатил-улум ва таърифиҳа”

¹¹Мирзо Муҳаммад Бакир Мақсувий Ҳаванисорий Асбаҳоний. Ровзотул жаннат фи аҳвалил уламо ва садат. Ж-5. - Кум. «Муҳр истивор» нашриёти, ҳ. 1391 й –Б. 134

¹²Шайх Шиҳобиддин ал-Хивожий ал-Мисрий ал-Ҳанафий. Иноятул қози ва кифаятур розий. Ж-1 – Байрут. “Дору содир” нашриёти, -Б. 403

¹³Муъиниддин Абул Қосим. Шаддул азар ва ҳаттул авзар. – Техрон. “Техрон” нашриёти, 1985 й –Б 299

¹⁴Ҳожи Ҳалифа. Кафуз зунун ан асамал кутуб вал фунун. Ж-2. - Ливан. «Ваколатул маъориф» нашриёти, 1941 й - Б. 1193

¹⁵Жамолиддин Абдурраҳим ал-Аснавий. Ниҳаятус суал фи шарҳи минхажил вусул. Ж-1. - Қоҳира. «Салафия» нашриёти, ҳ 1343 й .-Б. 5

¹⁶ Тамрон Бузар Ҳумайрий. Даиротул маъорифул исламия. Ж-9. Қоҳира. “Тамрон вазр ҳумайрий” нашриёти. –Б. 33

¹⁷Ҳожи Ҳалифа. Кафуз зунун ан асамал кутуб вал фунун. Ж-2. - Ливан. «Ваколатул маъориф» нашриёти, -Б. 1705

11. “Мухтасар фил ҳайяти”
12. “Китабун фи асмаиллаҳил-хусна”
13. “Ал-ийзоҳ фи усулиддин”. Аснавий “Минҳож” китобининг муқаддимасида шундай дейди: Зора у “Мисбоҳ” китобига ёзилган шарҳ бўлса.

Қози Байзовийнинг бошқа китобларга ёзган шарҳлари:

1. “Шарҳу тухфатил аброр”. Бу Имом Бағавийнинг ҳадис илмига оид “Масобиҳус сунна” китобининг шарҳи ҳисобланади.
2. “Шарҳул маҳсул”. Бу Имом Фахруддин ар-Розийнинг усулу фикҳга оид “Маҳсул” китобининг шарҳи ҳисобланади.
3. “Шарҳул мунтаҳаб фи усулил фикҳ”. Бу китобни Қози Байзовий Фахруддин ар-Розийнинг “Маҳсул” китобидан қисқартирган.
4. “Мирсадул-афҳам ила мабадиул аҳком”. Ибн Ҳожибининг муҳтасарининг шарҳи ҳисобланади. Бу китоб кўп маротаба шарҳланган. Унда матн ва шарҳнинг фарқи йўқ. Лекин бу китоб мустақил китоб кабидир.¹⁸
5. “Шарҳут-танбийх”. Турт жилдлик Абу Исҳоқ аш-Шерозийнинг Имом Шофеъий фикҳига доир “Танбийх” китобининг шарҳи. Бу ҳақида Аснавий “Минҳож”нинг муқаддимасида зикр қилган. Шунингдек, “Кашфуз зунун” соҳиби “Танбих”ни шарҳлаганлар қаторида уни зикр қилмаган.¹⁹
6. “Шарҳул Кофия фин нахв”. Бу Ибн Ҳожиб Моликийнинг “Кофия” асарининг шарҳи ҳисобланади.
7. “Шарҳул фусул”. Насируддин ат-Тусийнинг “Фусулул хаважа”.

Қози Байзовий лугат, нахв, калом, мантиқ, фикҳ, усули фикҳ илмлари борасида кўплаб асарлар ёзган ва сермаҳсул ижод қилган олимлардан бири эди.

Юкорида санаб ўтилган илмлар унинг “Анворут танзил ва асрорут таъвил” номли тафсирида очик-ойдин кўриниб туради. Унинг тафсирини

ўқиган киши, Қози Байзовийнинг калом илмида маҳоратли эканлигини билиб олади. Оят тафсирида ҳақиқатни юзага чиқариб, мантиқдан унга далил келтиради ва унга муқаддима келтириб, натижаларни келтириб чиқаради. Баъзида мұтазила ва бошқа фирмаларга ўзининг мазҳабига хилоф қилғанларга мантиқ билан раддия беради.²⁰

Шунингдек, “Тафсирул Байзовий” асарида тасаввуф ва фалакиёт каби илмлар ҳам кенг ёритилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Қози Байзовий ўз замонасининг тафсир, фикҳ, лугат, нахв, калом илми, усули фикҳ, тасаввуф ва фалакиёт каби илмларини жуда яхши билган, кўплаб шогирдларга устозлик қилган ва нодир асарларини келажак авлодларга мерос қилиб қолдирган буюк сиймолардан эди.

¹⁸Ҳожи Халифа. Кашфуз зунун ан асамал кутуб вал фунун. Ж-2. - Ливан. «Ваколатул маъориф» нашриёти, 1941 й. – Б. 1803

¹⁹Ўша асар –Б. 1803

²⁰Іосуф Аҳмад Али. Байзовий ва манҳажуҳу фит тафсир. - Макка. «Уммул куро» университети, -Б. 285